



LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

Ўзбекистон Республикаси
Фаргона вилояти масъулияти чекланган
жамият шаклидаги «TTT-AUDIT»
(JPA INTERNATIONAL) аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси Фаргона вилоят Фаргона шаҳар 150100. Янгиобод- 5-уй
Тел.моб (91) 651 80 13 (94) 448 20 60 (95) 400-80-13 Факс: (0373) 241 64 48 Web sayt: tft-audit.uz Email: tftaudit@mail.ru
Лицензия АФ № 00773 Ўз.Рес. Молия Вазирлиги томонидан 05.04.2019 йилда берилган

**“QO’RG’ONTERADONMAHSULOTLARI”
АЖ кузатув кенгаши ва акциядорларига**

Сана: 05 март 2021 й

**Аудиторлик хулоса
(Молиявий ҳисобот аудити натижалари бўйича)**

Фикр.

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги "TTT-AUDIT" (JPA International) аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шаҳри Янгиобод 5 уй. ХАБ "TRAST BANK". х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оқэд 69202, тел (73) 2416448 email: tftaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00773-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335-реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома ҳамда Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) бош директори бош аудитори САР, Ботиров М Х томонидан Андижон вилояти "QO’RG’ONTERADONMAHSULOTLARI" акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январдан -2020 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган "Молиявий ҳолат тўғрисида"ги ҳисоботдан, "Умумлашган даромад тўғрисида"ги ҳисоботдан, "Хусусий капитал"даги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан ва "Пул оқимлари тўғрисида"ги ҳисоботдан, шунингдек "Ҳисоб сиёсати" аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботни аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, аудит қилинган молиявий ҳисобот "QO’RG’ONTERADONMAHSULOTLARI" акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади .

Фикр билдириш учун асос.

Биз аудитни, Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз "Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти" номли бўлимда баён қилинган. Биз аудит қилинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ ва "QO’RG’ONTERADONMAHSULOTLARI" акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик. Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим саволлари.

Аудитнинг муҳим саволлари- булар бизнинг профессионал мулоҳазамизга кўра жорий давр учун тузилган молиявий ҳисобот бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Улар

умумий тарзда бизни молиявий ҳисобот аудити бўйича тузилган ҳисобот матнида ва ушбу ҳисобот бўйича бизнинг фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган. Шунинг учун ушбу саволлар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва масъул шахсларнинг масъулияти.

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботни, Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Молиявий ҳисобот тузиш жараёнида ташкилотни ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолаш, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериш, бунда раҳбариятнинг ташкилотни тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки бу ҳаракатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топа олмаган ҳолатлар бундан мустасно.


Корпоратив бошқарув учун масъул бўлган шахслар ташкилотнинг молиявий ҳисоботни тайёрлашни назорат қилиш бўйича масъулдир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти.

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган “QO’RG’ONTEPADONMAHSULOTLARI” акциядорлик жамиятининг 2020 йил молиявий ҳисоботи ноҳўя ҳаракатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишдан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик ҳулосасини эълон қилишдан иборат. Оқилона ишончнинг юқори даражаси бўлсада, Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди. Бузиб кўрсатишлар ва ноҳўя ҳаракатлар натижаси, агарда улар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса муҳим бўлиб ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
“TTT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти
бош директори бош аудитор .САР

М.Х Ботиров



Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2012
йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган